

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА  
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ”  
ва “СПОРТ ФАОЛИЯТИ”  
йўналишлари**

**“ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ СОХАСИДА  
МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ  
ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** **Шомуродов Ҳ.С.** - Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, “Спорт менежменти ва иқтисодиёт” кафедраси, п.ф.н., доцент.

**Абдиев Н.А.** - Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, “Спорт менежменти ва иқтисодиёт” кафедраси, катта ўқитувчи

**Такризчилар:** **Баек Мун Жон** – Жанубий Корея Ховон университети профессори

**Набиуллин Р.Х.** – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори

*Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти  
Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан наширга тавсия  
қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур .....	3
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари .....	9
III. Назарий материаллар .....	14
IV. Амалий машғулот материаллари .....	49
V. Кейслар банки .....	55
VI. Мустақил таълим мавзулари .....	57
VII. Глоссарий .....	58
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	61

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида катталарни ўқитиш тузилмаси ва мазмунини ташкил этишни долзарб вазифа қилиб қўйди. Бу муҳим вазифани ҳал этишда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг муҳим таркибий қисми – янги типдаги бўлган педагог раҳбарларни тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий таълимни таълим муассаси сифатидаги ривож, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалаларни ҳал этишда бир қатор олий ўқув юртларда касбий таълим йўналишлари ташкил этилиб, таълим методларини танлаш ва янгиларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари кадр танлашга эътиборни кучайтириш, уларнинг раҳбарликка доир қиёфасини ўрганиш, уларни мақсадли тарбиялаш, ўргатиш. Бу мақсадга етиш учун хорижий тажрибадан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Ҳар қандай ижтимоий меҳнат жараёни у хох кичик доирада, хох катта доирада бўлсин, бошқарувни талаб қилади. Кимдир ходимлар олдига мақсад қўйиши, вазифаларни тақсимлаши, унинг бажарилишини назорат қилиши, кишиларни меҳнат қилишига ундаши, уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириши лозим. Халқимиз “ўн қўшчига бир бошчи”, дегани иборани бежиз яратмаган.

Юқорида келтирилган ҳолатни эътиборга олиб, бошқарув жараёнлари сифатини оширишда бошқарув қарорларини қабул қилиш, жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили уларни назорат қилиш соҳанинг долзарб масалалаларидан ҳисобланади.

Дастурда жисмоний маданият ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларининг иқтисодий-молиявий ҳамда спорт менежментининг долзарб масалалари, спорт мусобақаларини ташил этиш, мусобақанинг сарф-харажатлар сметаси, спорт менежерининг ва тренернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрганилади. Ҳозирги вақтда бутун дунёда долзарб бўлиб молиявий таъминот таҳлили ва спорт менежменти спорт соҳасини ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” **модулининг мақсади:** тингловчиларни жисмоний

маданият ва спорт соҳасидаги муассасаларни молиялаштириш тартиби, жисмоний маданият ва спорт соҳасини молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари, бюджетга қарашли спорт ташкилотларида штатлар жадвалининг шакллантирилиш тартиби, жисмоний маданият ва спорт соҳаси менежерининг смета ижросини таъминлашдаги ўрни, йиллик смета харажатларинг самарали фойдалинишида корхона менежерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жисмоний маданият ва спорт соҳасида бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш механизмлари ва маблағларни ишлатиш тартиби, моддий-техник базасини янгиланиб бориш механизмлари.

-спорт таълим муассасаларининг иқтисодий-молиявий масалалари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини таркиб топтиришдан иборат.

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” **модулининг вазифалари:** тингловчиларда спорт таълими муассасаларини молиялаштириш тартиби, манбалари, ташкилотнинг йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандлари, штат жадвали ва тарификациясининг тузилиш тартиби, бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартибини, маблағлар тушуми, уларни ишлатиш, солиқ, солиққа тортиш ва молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри олиб боришни ўргатишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган ишлар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- соҳага оид қонунлар ва қонун ости ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни билиш ва унга амал қилиш;
- спорт таълими муассасасининг низомини билиши;
- спорт таълими муассасаларини молиялаштириш манбаларини билиши;
- ташкилотнинг йиллик харажатлар сметаси билиши;
- ташкилотнинг штат жадвали ва тарификацияси ҳақида билим ва кўникмага эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- таълим муассасаси даромадларидан солиқлар, солиққа тортиш ва солиқ имтиёзларини;
- спорт таълими муассасаларида аванс ҳисоботларини тузиб, ҳисобхонага топшириш тартибини;
- спорт таълими муассасаларини молиялаштириш тартиби, манбаларини; ташкилотнинг йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандларини;
- ташкилотнинг штат жадвали ва тарификациясининг тузилиш тартиби ва тузиш;

- спорт таълими муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш;
- таълим муассасаларида маблағлар тушуми, уларни ишлатиш, солиқ, солиққа тортиш ва молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри олиб бориш;
- спорт таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш каби малака ва компетенцияларга эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотида ақлий ҳужум, концептуал жадвал, ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Жисмоний маданият ва спорт соҳасида молиявий таъминотни ташкил қилиш ва унинг таҳлили” модули ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари”, “Спорт “Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар”, “Жисмоний маданият соҳасида мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимидаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар спорт таълим муассасаларини молиявий-иқтисодий таъминоти ва таҳлили ҳамда спорт менежменти каби касбий компетентликга эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил тайёргарлик
			Жами	Жумладан			
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини менежменти ва молиялаштириш тартиби, манбалари.	2	2	2			
2.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини йиллик харажатлашмаси ва унинг бандлари.	4	4	2	2		
3.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартиби.	4	4	2	2		
4.	Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида маблағлар тушуми, уларни ишлатиш, молиявий ва менежмент фаолиятини олиб бориш.	4	2		2		2
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>12</b>	<b>6</b>	<b>6</b>		<b>2</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### **1-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини менежменти ва молиялаштириш тартиби, манбалари.**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари. Спорт ташкилотларининг турлари. Спорт таълим муассасалари молиялаштириш тартиби. Спорт менежменти. Молиялаштиришни бюджет манбалари. Спорт таълими муассасаларини молиялаштиришни бюджетдан ташқари манбалари.

## **2-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандлари.**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида штатлар жадвалининг шакллантирилиш тартиби. Штатлар жадвалининг расмийлаштирилиши ва тасдиқланишида жавобгарлик.

Бюджетга қарашли спорт ташкилотнинг йиллик харажатлар сметасининг харажат моддаларининг ҳаққонийлигини асослаш манбалари. Корхона менежерининг смета ижросини таъминлашдаги ўрни. Смета харажатларининг ортиқча ишлатилган учун жавобгарлик.

## **3-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартиби.**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджети. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш механизмлари. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағлари ва маблағларини ишлатиш тартиби.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида ҳомийлар ва уларга бериладиган имтиёзлар. Бюджетдан ташқари даромадлар бўйича смета харажатларин тузиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандлари.**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш тартиби. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини йиллик харажатлар сметаси бандлари.

Бюджетга қарашли жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида штатлар жадвалининг шакллантириш.



## **2- амалий машғулот:**

**Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартиби.**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини бюджетдан ташқари маблағларини ишлатиш тартиби.

## **3 - амалий машғулот:**

**Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида маблағлар тушуми, уларни ишлатиш, молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш.**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида маблағлар тушуми. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида маблағларини ишлатиш. Спорт таълим муассасаси молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида моддий-техник базасини янгиланиб бориш механизмлари.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: маъруза, савол-жавобли, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Тушунчалар таҳлили” методи.

#### Методнинг мақсади:

мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Смета		
Бюджет		
Штатлар жадвали		
Менежмент		
Маблағ		

## “SWOT-таҳлил” методи.

### Методнинг мақсади:

мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



### Намуна:

Спорт ташкилотининг харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни афзалликларини ушбу жадвалга тушириб беринг.

<b>S</b>	Харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни кучли томонлари	
<b>W</b>	Харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни кучсиз томонлари	
<b>O</b>	Харажатлар сметасини ҳисоблашда Microsoft Excel дастуридан фойдаланишни имкониятлари (ички)	
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	

## “Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот инфор­мацион таъминоти таъминоти.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибда маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли ёки жадвалли шаклда);</li> <li>✓ ахборотни йиғиш, умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ёки гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари­ни ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари­ни ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## **Кейс.**

Спорт ташкилоти йиллик мусобақалар тақвим режага асосан, 15-январдан 19-январгача “Халқаро мусобақа” ўтказишни режалаштирган. Мусобақа низомига кўра спортчилар ва мураббийларнинг сарф-харажатлар ўз ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Мусобақанинг ташкилий, очилиш ва ёпилиш қисми, совринлар ва бошқа харажатлар учун 45750000 сўмлик смета қилинган. Мусобақа бошланишига 2 кун (шанба якшанба) қолганда молиявий таъминотда ўзилиш яъни молиялаштириш кечикгани аниқ бўлди.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар.

- Кейсдаги муаммони кетириб чиқарган асосий сабаблари анақланг (индивидуал ва кичик гуруҳда)
- Вазиятни баҳоланг, чиқиш йўлини топинг (кичик гуруҳда).

## **“ФСМУ” методи**

### **Технологиянинг мақсади:**

Мазкур технология иштирокчиларидаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек мастақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Мазкуур технологиядан маъруза машғулотларинда, мустахуамлашда, ўтилган мавзуни сурашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий маўғулотларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

-қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки гоч таклиф этилади;  
-хар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

**Ф**

- Фикрингизни баён этинг
- Фикрингизни баёнга сабаб кўрсатинг

**С**

- Кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**М**

- Фикрингизни умумлаштиринг

**У**

Иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ тахлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини менежменти ва молиялаштириш тартиби, манбалари.**

##### **Режа:**

- 1.1. Бюджетдан молиялаштириш ҳисоби тушунчаси.
- 1.2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини молиялаштириш усуллари, принциплари ва шакллари.
- 1.3. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш, бюджет маблағларининг сарфланишини тўғри ташкил қилиш.

**Таянч иборалар:** *давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, давлат бюджети ташкилоти, бюджет ташкилоти харажатлар сметаси, смета, молия, сарф-харажат.*

#### **1.1. Бюджетдан молиялаштириш ҳисоби тушунчаси.**


Молиялаштиришдан аввал Давлат бюджетининг тузилиши билиш талаб этилади. Бунинг учун қуйидаги жадвални кўриб чиқиш лозим. Давлат бюджетининг асосий қисми халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Тасдиқланган давлат бюджетидида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни амалга ошириш молия органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бу вазифани бажариш учун молиялаштириш ва бюджет харажатларининг тайинланиши бўйича амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш лозим бўлади.

Бюджетдан маблағлар хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидагина берилди.

## Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тузилмаси



Айрим-айрим тадбирларга сарф қилиниши мўлжалланиб бюджет бўйича тасдиқланган харажатлар суммалари бюджет маблағлари (ажратмалари), деб аталади.

Давлат бюджетидан хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларини молиялаштириш ёзначилик муассасалари орқали амалга оширилади.

Давлат бюджетидан молиялаштириш деганда бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағ бериш тушунилади.

Давлат бюджетининг асосий қисми халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Тасдиқланган давлат бюджетида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни амалга ошириш молия органларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун молиялаштириш ва бюджет харажатларининг тайинланиши бўйича амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш лозим бўлади.




Бюджетдан маблағлар хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидагина берилади.

Айрим-айрим тадбирларга сарф қилиниши мўлжалланиб бюджет бўйича тасдиқланган харажатлар суммалари бюджет маблағлари (ажратмалари), деб аталади.

Давлат бюджетидан хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларини молиялаштириш банк муассасалари орқали амалга оширилади. Давлат бюджетидан молиялаштириш деганда бюджет маблағларини тасарруф қилувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағ бериш тушунилади.<sup>1</sup>

## **1.2. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини молиялаштириш усуллари, принциплари ва шакллари.**

Давлат бюджети харажатлари - бу давлат уз функциялари ва вазифаларини бажариш учун бюджетдан йўналтирадиган пул маблағлари оқими. Хридиршдай давлатда бўлганидек, Ўзбекистоннинг давлат бюджети харажатлари ҳам қуйидаги асосий харажатлар блокларини уз ичига олади: ижтимоий мақсадлар харажатлари, иқтисодиёт харажатлари, ижтимоий инфратузилма, кишлоқ хўжалиги ва уй-жой



<sup>1</sup>Мухаммадқуб Останақулов. Бюджет ҳисоби. Дарслик. 2007. 62 бет

коммунал секторини ривожлантиришга йўналтирилган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари, бошқарувга харажатлар, миллий хавфсизлик ва ички ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш харажатлари, ташқи иқтисодий фаолият учун харажатлар, давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёт ва сиёсатидаги хусусиятлари унинг харажатлари устуворликларида ҳам акс этади. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устуворликларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили мамлакатнинг солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланадиган улар давлат бюджетини ишлаб чиқишда асос сифатида хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг умумий тараққиёт даври давомида бюджет харажатлари устувор даражада ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга сарфланган ва сарфланиб келинмоқда.

Масалан, 2010 йилда барча бюджет харажатларининг 59% (мақсадли жамғармаларнинг харажатларини ҳисобга олмаганда) **ижтимоий соҳа** ва аҳолини **ижтимоий қўллаб-қувватлашга** йўналтирилади. Бунинг таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, ижтимоий таъминот тизимларининг фаолиятини молиялаштириш орқали **ижтимоий-маданий тадбирларни** амалга ошириш харажатлари (48,7%), шунингдек **аҳоли турмуш даражасини оширишга** йўналтирилган харажатлар (10,7%), шу жумладан кўпбалали оилаларга ҳар ойда бериладиган нафақалар ва моддий ёрдамлар, болалиқдан ногиронларга нафақалар ва бошқалар катта ўрин эгаллайди.

Бюджетнинг **иқтисодиётга** харажатларига алоҳида хўжалик субъектларини ва миллий иқтисодиёт секторларини қўллаб-қувватлашга харажатлар, шу жумладан қишлоқ ва сув хўжалиги; уй-жой эксплуатация хўжалиги, шаҳарларни ободонлаштириш, водопровод, канализация ва бошқаларга харажатлар киради.

**Бошқарувга** харажатлар ҳокимиятнинг барча қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари фаолиятини, давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, судлар, прокуратура органлари ва бошқа муассасаларнинг харажатларини молиялаштириш орқали амалга оширилади.

**Миллий хавфсизлик ва ички ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш** харажатлари мудофаа комплексига (Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегарасини қўриқлаш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар твазирлиги ва бошқаларни таъминлаш харажатлари), ҳуқуқ-тартибот органларига (Ички ишлар вазирлиги, Жазони ижро этиш Бош бошқармаси, Ички ишлар вазирлигининг моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқаларни таъминлаш харажатлари) ва бошқаларга харажатлар киради Ўзбекистоннинг **ташқи иқтисодий фаолияти** билан боғлиқ бюджет харажатлари Республика Ҳукумати томонидан хорижий давлатларнинг Ҳукуматларига кредитлар бериш билан боғлиқ харажатларни, Республика

Ҳукумати томонидан хорижий давлатлар Ҳукуматларидан олинган кредитлар бўйича тўловларни, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан хорижий банклардан олинган узоқ муддатли кредитларни қоплаш билан боғлиқ харажатларни, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан импорт режаси ҳисобига товарларнинг аванс харидларига ҳамда тўловлар ва тушумлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун берилган кредитларни ва уларнинг фоизларини қоплашга харажатларни, хорижий давлатларга беғараз ёрдам бериш операцияларини молиялаштиришни, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан алоҳида операциялари бўйича жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоизлар билан боғлиқ харажатларни, халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари тўлаш бўйича харажатларни, биржа операциялари бўйича харажатлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади.

**Давлат қарзига хизмат кўрсатиш** бўйича харажатларга ташқи ва ички қарз бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш ва бошқалар киреди.

Бюджет харажатлари транзит хусусиятига эга. Бюджет харажатлари орқали бюджетдан маблағ олувчилар – бюджет маблағларини олувчи ёки тақсимловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотлари молиялаштирилади. Бюджетда сарф-харажатлар моддалари бўйича бюджет харажатлари белгиланади, харажатларни эса бюджетдан маблағ олувчилар амалга оширадilar.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш хусусиятига қараб бюджет харажатлари жорий ва капитал бўлади (26-схема).

Бюджетларнинг **жорий харажатлари** – давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлаш учун, бошқа бюджетлар ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари жорий фаолиятига ажратмалар, дотациялар, субвенциялар васубсидиялар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш учун бюджет харажатларининг қисми. Жорий харажатлар бюджет харажатларининг асосий қисмини ташкил этади.

Бюджетларнинг **капитал харажатлари** – инновация ва инвестиция фаолиятини таъминловчи бюджет харажатлари қисми бўлиб, у тасдиқланган инвестиция дастурига биноан фаолият юритаётган ёки янги ташкил этилаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга инвестициялаш учун мўлжалланган харажатларни ўзида мужассамлаштиради.

Бюджет маблағларини сарфлаш қуйидаги **методлар** ёрдамида амалга оширилади:

- бюджетдан молиялаштириш (қайтариб берилмайдиган пул маблағларини бюджетдан тақдим этиш);
  - бюджетдан кредитлаштириш ва маблағларни инвестициялаш;
  - маблағларни бюджет қарз мажбуриятларини қоплашга йўналтириш.

Бюджетдан маблағ олувчиларга ўз жорий фаолиятини амалга ошириш учун бюджет маблағларини тақдим этишнинг асосий методи **бюджетдан молиялаштириш** ҳисобланиб, у қуйидаги **принципларга** асосланади:

– бюджет ажратмаларидан фойдаланишнинг мақсадлилиги. Бюджетдан маблағ олувчилар белгиланган мақсадлар учун тасдиқланган бюджет асосида маблағ оладилар. Ушбу принципга қатъий риоя қилиш маблағларни сарфлашнинг самарадорлигини таъминлайди;

– бюджетдан молиялаштиришнинг текинлиги;

– бюджетдан молиялаштиришнинг қайтарилмаслиги;

– минимал харажатлар билан максимал самара олиш;

– бюджет маблағларини ишлаб чиқариш ва бошқа кўрсаткичларнинг бажариб борилишига қараб ва аввалги ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тақдим этиш. Бу принцип молия органларига бюджет маблағларини олувчилар фаолияти устидан таъсирчан ва самарали назоратни амалга ошириш имкониятини беради.

Бюджетдан молиялаштириш қуйидаги **шаклларда** амалга оширилади:

– бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий харажатларига (ишчиларга меҳнат ҳақини тўлаш, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига суғурта бадалларини ўтказиш, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан коммунал хизматлар, сафар харажатларини тўлаш ва бошқалар), шунингдек ҳукуматнинг бошқа даражаларига ўтказилувчи алоҳида давлат ваколатларини амалга оширишга; давлат харидларига ва бошқаларга ажратмалар;

– трансфертлар (аҳолига бериладиган мажбурий тўловларни молиялаштириш учун бюджет маблағлари: стипендиялар, нафақалар, компенсациялар, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловлар);

– бошқа даражадаги бюджетлар ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига бюджет ссудалари, субвенцияларива дотациялари.

– бюджетларaro трансфертлар;

– жисмоний ва юридик шахсларга субвенциялар ва субсидиялар;

– фаолият юритаётган ёки янгидан яратилаётган юридик шахсларнинг устав капиталига инвестициялар;

– мулк шаклидан қатъий назар юридик шахсларни бюджетдан кредитлаш;

– қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш (давлат органларининг кафолатлари билан).

**Ўзбекистон Республикасида** умумдавлат аҳамиятига молик тадбирларни молиялаштириш Молия вазирлиги томонидан республика бюджети ҳисобидан тасдиқланган параметрлар ва харажатлар рўйхатига биноан амалга оширилади. Республика бюджети **харажатлари** тасдиқланган бюджетдан маблағажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup>“Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-И-сон Қонуни, 16-модда.

- 1) республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- 2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- 3) капитал харажатлар шаклида:
  - асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;
  - чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;
  - давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;
  - давлат захираларини вужудга келтиришга;
- 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;
- 5) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари шаклида;
- 6) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;
- 7) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;
- 8) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;
- 9) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.<sup>3</sup>

### **1.3. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш, бюджет маблағларининг сарфланишини тўғри ташкил қилиш.**

Ўзбекистонда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган **бюджет ташкилотлари** учун **харажатларни молиялаштириш (тўлаш) тартиби** белгиланган:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) механизмини соддалаштириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;
- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға кўшимчалар, капитал кўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)нинг янги тартибини жорий этиш, ғазна ижросига ўтган, харажатлари моддалар бўйича амалга ошириладиган бюджет ташкилотлари бундан мустасно;

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси бюджет тизим Дарслик Т.2010 227-232 бет


- Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларни сарфлашлари устидан дастлабки ва жорий назоратни таъминлаш;
- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)ни уларнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш васотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;
- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Мустақил равишда **хўжалик ҳисоби фаолиятини юритувчи**, махсус келишиб олинган тадбирлар учун бюджетдан дотация ва маблағлар олувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларни молиялаштириш алоҳидахусусиятга эга.

Бюджетдан маблағолувчиларни Давлат бюджетидан молиялаштириш **иқтисодий таснифга** биноан харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича амалга оширилади :

- I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар
- II. Иш ҳақига қўшимчалар
- III. Капитал қўйилмалар
- IV. Бошқа харажатлар.

#### **Бюджет ташкилотларининг харажатларини гуруҳлашуви**



Харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

**Смета** – нотижорат фаолиятини амалга оширувчи ташкилотнинг мақсадга йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан пул маблағларининг ташкил топиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирувчи молиявий режасидир. Иш ҳақини тўлашга ва жорий фаолиятга харажатлар бюджетдан ажратилганлигини, шунингдек маблағларнинг мақсадлилиги ва чораклар бўйича тақсимоти ҳажмини белгиловчи ҳужжатдир.

**Штатлар жадвали** – доимий ишчиларнинг лавозимлари номларининг рўйхати бўлиб, унда бир номдаги лавозимлар ва лавозим бўйича маошларнинг ҳажми қайд этилади, у мулк эгаси, раҳбар ёки юқори орган томонидан тасдиқланади. Штат жадвали корхона, ташкилот ва муассасаларнинг таркибий бўлинмалари штатларини тегишли тоифадаги ишчилар билан тўлдириб олиш ҳуқуқини беради.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади ва ҳисобот бериш мақсадида фойдаланилади.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки ҳудудий молия органларига тақдим этадилар. Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш (тўлаш), бюджет параметрлари тасдиқланган пайдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Киритиладиган ўзгартиришлар албатта Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари харажатлари биринчи навбатда молиялаштирилади (тўланади). Бунда харажатларнинг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади.

Ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдорида учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар (III гуруҳ харажатлари) жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига мувофиқ ажратилади.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига Давлат бюджетда назарда тутилган харажатлар Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилигидава унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни молиялаштириш (тўлаш) бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари харажатларини:

– республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) – Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат(унда бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;

– маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) – тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинлаш сертификати ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш:

– республика бюджетидан – Ўзбекистон Республикаси Молиявазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик вазисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан – Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришда (тўлашда)янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтиради.



Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси, асосий воситаларни ва бошқа товар-моддий бойликларни сотишдан тушган сумма (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинганлари бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

**Бюджет маблағлари** бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда, бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида **сарфланади**. Бунда **харажатларнинг I ва II гуруҳларини** молиялаштириш (тўлаш) биринчи навбатда амалга оширилади.

Харажатларнинг **III гуруҳи** бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида молиялаштирилади (тўланади).

**"Бошқа харажатлар" IV гуруҳи** бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Харажатларнинг у ёки бу гуруҳида пайдо бўлган кредиторлик қарзлар жорий молия йилига белгиланган лимитлар доирасида уларнинг пайдо бўлиши навбатига кўра ҳар қайси гуруҳ бўйича тўланади.

Ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган бюджет маблағлари (капиталк ўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Бюджет маблағлари ҳисобот чорагида тежаб қолинса, ташкилотларни келгуси чоракда маблағ билан таъминлаш ҳажми камайтирилмайди<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунга келиб эса ушбу фан “Жисмоний тарбия ва спорт менежменти” фани бўлиб такомиллаштирилди.

Бу фаннинг асосий ҳуқуқий таянчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Унда фуқароларнинг ўз соғлиқларини яхшилаш, билим ва маданий савияларини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари кафолатланган. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини

---

<sup>4</sup> Срождиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т.: 2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти 232-259 б

юритиш, унга раҳбарлик қилувчи давлат ҳамда жамоат идораларининг вазибалари, бурчлари ва ҳуқуқларини белгилаб берган. Бу жараёнлар фанни ўрганиш ва мутахассислар тайёрлаш фаолиятида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни барча турдаги ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари, дарсдан ташқари оммавий соғломлаштириш спорт тadbирларини ташкил қилишга йўл очиб беради. Бу жараёнлар ҳам ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятларининг энг муҳим тармоғи сифатида ўз ўрнига эгадир.

1993 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосан «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Унинг Низомига кўра соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш масъулияти мактаб, тарбия муассасалари каби спорт ташкилотлари зиммасига ҳам юкланган. Бу йўлда қилинадиган ишларнинг мазмуни ва раҳбарлик усуллари жисмоний тарбия ва спортни бошқариш фани таркибининг асосларидан бирига айланди.

Ўзбекистонда барча соҳалардаги ютуқларни таъминлаш мутахассис кадрларга боғлиқ эканлиги эътироф этилди. Шу сабабдан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Жисмоний тарбия ҳамда спортни ташкил қилиш ва бошқаришда унинг ахамияти беқиёсдир.

Жисмоний тарбия ва спорт менежменти фани ўқув режасидаги “Жисмоний тарбия ва спорт тарихи”, “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти”, педагогика, психология, иқтисодиёт назарияси ҳамда барча мутахассислик фанлари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки бошқаришда доимий равишда таъкидлаш усуллари, спортчиларнинг руҳий ҳолатлари ҳамда барча спорт тadbирларини уюштиришда моддий - техник таъминот соҳасидаги билимлар амалий тажрибалар билан узвий боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам фанлар эришган ютуқлардан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Жисмоний тарбия ва спорт менежментида жуда кўп махсус атамалар ишлатилади ва уларнинг мазмунида ўзига хос бошқарувчилик фаолиятларини талаб этувчи маънолар мавжуд. “Жисмоний тарбия”, “Жисмоний маданият”, “Спорт”, “Менежмент ”каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти “Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти” фанида етарли фойдаланиш, тозалikka риоя этиш, гавданинг тўғри ҳамда чиройли ўсишини таъминловчи тарбиявий жараёндир.

Кўриниб турибдики, бу икки атама бир- бирини тўлдиради. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият билан узлуксиз ҳамда оммавий шуғулланиш эса жисмоний маданият харакати демакдир.

Спорт мураккаб машқлар мажмуасидан тартиб топиб, техник- тактик жихатдан бахслашиш машқидир. Бунда махсус қоида ва талабларга риоя этиш

зарур даражада баён қилинган. Шу сабабдан уларга алоҳида тўхталиш зарурияти йўқ. Шундай бўлса-да, қисқача тавсиф бериш жоиздир. Яъни:

- жисмоний тарбия – педагогик жараён сифатида инсон фаолиятини такомиллаштирувчи восита ва усулдир.

- жисмоний маданият – умумтарбиянинг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний машқлар билан шуғулланиш, унда асбоб- ускуна, кийим- бош, иншоотлардан, ғолиблар эса мусобақа шаклида аниқланади.

- “Бошқариш” атамаси барча соҳага тегишли бўлган умумий маънодаги сўз бўлиб, у бевосита фаолиятларга раҳбарлик қилишни англатади. Жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини “бошқариш” муҳим аҳамият касб этувчи фаолиятни ифодалаб, спорт ташкилотлари, спорт клублари, жамоалар (коллектив) орасида мусобақалар, йиғин – анжуманларни ўтказишга, йўлбошчилик қилиш маъносида ишлатиладиган атамасидир.

Бошқариш тизимлари ўз навбатида жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг сертармоқлигини билдиради. Масалан, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари, муассасалар, спорт иншоотлари ва хоказо. Улар ўз навбатида, яна бир қатор тизимлардан таркиб топгандир.

Илмий бошқариш тушунчасига энг аввало, илмий тадқиқотлар, илғор тажрибаларнинг натижаларини қўллаш киради. Жамоаларни бошқаришда қўлланиладиган синов- тажриба жараёнлар мониторинги ишларни илмий равишда бошқариш асосларидир.

Бошқариш усуллари. Бу жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатида кўп қўлланиладиган ва мазмун ҳамда шакл жиҳатдан бир- биридан фарқ қилувчи фаолиятлардир. Чунки барча соҳа ва жамоаларда бирдек иш тутиш мумкин эмас.

Бўлажак мутахассис кадрларни назарий билим, амалий малака ҳамда кўникмалар билан қуроллантиришда “Жисмоний тарбия ва спорт менежменти” фанининг аҳамиятида катта бўлмоқда. Унинг мазмуни ва моҳияти, хусусан, талабаларга таълим- тарбия бериш, касб- ҳунарларнинг турли усуллари билан таништириш, айниқса республика, вилоят, шаҳар спорт кўмиталари, уларнинг қуйи тармоқларидаги ташкилий ишлар, уларга раҳбарлик қилиш йўлларини ўргатиш янги талаблар даражасида амалга оширилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт менежменти фанини ўзлаштиришда ўқув режасидаги бошқа назарий ва амалий мутахассислик фанлари мазмунини боғлаш, уларни таққослаш ишлари талабаларнинг мустақил ҳамда ижодкорлик билан ўз касбига ёндошишини тақозо этмоқди.

Энг муҳими шундаки, жисмоний тарбия ва спорт менежменти фанининг асосий таянчларидан ҳисобланган миллий кадриятлар, маънавий- маърифий, маданий мазмундаги халқ миллий ўйинларининг моҳиятини чуқур ўрганиш, “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тестлари талабларини ҳаётга татбиқ этиш

усулларини билиш каби фаолиятлар ўқув жараёнида бошқариш билан бевосита боғланмоқда.

Спорт менежменти жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг кўпгина тармоқларида махсус фаолият сифатида хизмат қилади. Халқаро спорт тараққиётида, айниқса қитъалар, мамлакатнинг йирик мусобақаларида бу кўпроқ учрайди. Яъни, спорт уюшмалари ассоциациялари ўртасида командаларни етук спортчилар билан таъминлаш, уларнинг талаб ва эҳтиёжи қондириш, спортчилар билан шартнома (контракт) тузиш каби фаолиятлар жараёнида хилма хил усуллар мулоқотлар, муносабатлар, келушувчилик каби фаолият мавжуд бўлади. Шу ўринда қуйидига ҳолатни келтириш мумкин, спорт ассоциацияси муҳитда менежментнинг мажмуий хусусиятлари мавжуд.

Тижорат йўли билан	Тижоратсиз йўл билан
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Спорт буюмлари, ражалаш, хизмат, шахслар, ҳудудлар ва гоаялар алоқадорлик</li> <li>• Спорт буюмларининг хажми, хизмат, даромадлар.</li> <li>• Талабгорлик маблагини (спорт буюмлари харид қилиш, абонементар, мусобақаларда чипта ва в.х.қ)</li> <li>• Аҳоли эҳтиёжи асосида даромадлар олиш (буюмлар мусобақаси)</li> <li>• Спорт ишқибозлари мавжудлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат ва жамоат спорт ташкилотлари, ҳудудлари, гоаялар хамда бепул хизмат қилиш орқали.</li> <li>• Молиявий харажат белгиланмаган (аҳолининг саломатлигини кўтариш в.х.қ)</li> <li>• Дотациялар (давлат, хомийлар в.х.қ)</li> <li>• Иқтисодий жихатдан фойдасиз фаолиятлар (ёшлар, ногиронлар в.х.қ)</li> <li>• Спорт ишқибозлари ва хомийларнинг мавжудлиги</li> </ul>

Спорт рекламларини менежмент мазмуни эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Айниқса, йирик стадионлар, ўйин майдонлари, отчопарлар, велотреклар, кўча хиёбонлардаги спортга доир рекламали спорт маркетингинг қанчалик фаолият кўрсатаётганлигини намойиш этади.

Спорт иншоотлари, телевиденияларда намоиш этилаётган рекламаларда ўтказилаётган мусобақалар, номдор клублар, командалар, спортчилар қатори спорт буюмлари, жихозлари, спортчиларнинг истеъмол қиладиган ичимликларни ва бошқа турлар кўпроқ ўрин олади.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари вилоятларининг марказларида спорт мажмуалари стадионлар, теннис кортлари, сув хавзаларида ўтказилаётган

расмий мусобақа жараёнида турли хил рекламалар ташкил этилмоқда телевидения биргаликда унинг тараққиётидаги асосий босқичлар, омиллар ҳам ёритиб борилмоқда. радио орқали спорт соҳасидаги янгиликлар спорт жихозлари ва бошқаларни тарғиб қилиш одат тусига айланди. Бундай фаолиятлар спорт менежментининг юртимизга қадам қўяётганлидан дарак беради.

### **Назорат саволлари**

1. Давлат бюджети қандай шакллантирилади?
2. Давлат бюджети қандай мақсадларга ишлатилади?
3. Молиявий таъминот нимани англатади?
4. Харажатлар сметаси қандай ҳужжат ва ким томонидан тузилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

4. Остонақулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

5. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

## **2-мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандлари.**

### **Режа:**

- 2.1. Олий таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.
- 2.2. Таълим муассасасининг йиллик харажатлар сметаси бандлари.
- 2.3. Штат жадвали ҳақида.

**Таянч иборалар:** *харажатлар сметаси, штатлар жадвали, тарификация, даромадлар, харажатлар, давлат бюджети, бюджет ташкилоти, иш ҳақи, режалаштириш молиялаштириш.*

### **2.1. Олий таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.**

Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом.<sup>5</sup>

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасалари (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари) да ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти асосида амалга оширилади.

Чет эл адабиётларида *Спорт таълим муассасалари учун молия муҳим роль ўйнайди. Спорт ташкилотларни юритиш учун албатта маблағ керак, шунинг учун ҳам харажатлар ва даромадларни тўғри тақсимлаш, бюджетни тўғри юритиш керак. Ушбу мавзунинг мақсади спорт ташкилотининг молиясини ҳисоб-китоб қилишни бошқаришда илҳом бериш осонлаштириш, ва спорт ташкилотини молиялаштириш манбалари, бюджетлаш ва ҳисоб-китоб тўғрисида сўз юритилади.*

**Молиялаштириш манбалари.**

*Ташкилотлар ўзлари учун кўпроқ пул топиш учун аниқ бир манбаларни белгилаб олиши керак. Ушбу манбаларга пул йиғиш ва тижорат хомийлик топиш учун махсус тадбирлар ўтказилиши керак (Спорт менежмент).*

<sup>5</sup>Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 февралдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

*Манбаларни йиғиш учун ўтказиладиган махсус тадбирлар бошқа тадбирлардан шундай фарқланадики, бу ерда одамлар учун махсус товар ёки хизматларни кўрсатиб, инсонлар эса улар учун пул тўлашга тайёр бўлади.*

*Олий таълим бу хизмат кўрсатиш соҳасидир. Бошқа соҳалар каби у ресурсларни товарларга, яъни хизматларга айлантиради (масалан инглиз тили, махсус тайёрлов курслари, масофавий ўқитиш).*

*Агарда улар хизматларини очиқ бозорда таклиф қилса, улар харажатларни қоплаган нархларда сотади ва фойда кўради. Лекин олий таълим муассасалари кўп ҳолларда очиқ бозорга чиқмай, ўзларини хизматларини харажатларини қопланмайдиган нархларда таклиф этади<sup>6</sup>.*

Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалавриатура ва магистратура.

Бундан ташқари Ўзбекистон фуқаролари шартнома асосида иккинчи вакейинги олий маълумот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистонда 62 та олий таълим муассасаси фаолият юритиб, уларда таълим кундузги бўлимларда амалга оширилади, 2009 йилдан бошлаб сиртки бўлимларга қабул тўхтатилган. Ўзбекистон Республикасида, кўпчилик мамлакатлардаги каби, олий таълим муассасаларининг тармоқ таркиби мавжуд.

Олий таълим муассасалари барча вилоятлар бўйича кенг тарқалган бўлса ҳам уларнинг кўпчилик қисми Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида жойлашган.

Олий таълим муассасаларига харажатлар ҳар бири бўйича алоҳида, уларнинг фаолият юритиш хусусиятларини, ўртача йиллик талабалар, аспирантлар, тингловчилар сони, уларнинг моддий таъминоти меъёрлари, профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи ставкалари ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Олий таълим муассасасининг асосий молиявий режаси **смета** ҳисобланади, унда бюджет ажратмаларининг умумий ҳажми, мақсадли йўналтирилганлиги ва чораклар бўйича тақсимооти акс эттирилади. Сметада ўқув муассасаси, унинг ўқув-моддий базаси тўғрисида умумий маълумотлар келтирилади. Жамланма режалаштиришда харажатлар ҳар бир талабага меъёрлар ҳисоби асосида ҳисобкитоб қилинади. Бунинг учун режалаштирилаётган йил учун талабалар контингенти битирувчилар, қабул васаралашни ҳисобга олган ҳолда ўлчанади.

### **Иш ҳақи ва стипендиялар.**

Бу гуруҳ бўйича штатдаги профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақиға харажатлар режалаштирилади. Шу биланбирга таълим муассасалари, бўлимлар, факультетлар, филиаллар ва ўқув-маслаҳат марказлари, кундузги ва сиртки

---

<sup>6</sup>(FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

аспирантура, соатбай асосда педагогик фаолиятга жалб этилган шахсларнинг, шунингдек ОТМ раҳбар ва бошқа ходимларининг иш ҳақлари ҳам шунга киради.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозимлар бўйича штат жадвали

ОТМ ректори томонидан шу тоифа ходимлар учун вазирлик (идора) томонидан ўрнатилган сон ва иш ҳақи фонди доирасида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Маъмурий-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа персоналнинг штатлар жадвали ОТМ ректори томонидан ушбу ўқув юрти учун белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар ва лавозимлар номенклатурасига биноан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бунда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақтўлаш фонди юқори ташкилот томонидан ушбу тоифа ходимлар учун белгиланган меъёрларда, бошқарув аппарати ходимларининг сони эсарежалаштирилган ажратмалар доирасида ҳисобланади.

ОТМ ректорлари профессор-ўқитувчилар таркиби штатлар жадвалини тасдиқлашда профессор, доцент ва катта ўқитувчи лавозимлари сонини ўқув машғулоти турлари (маъруза, семинар ва бошқалар)га мўлжалланган соатлардан келиб чиқиб аниқлашлари зарур, бунда ушбу лавозимлар асоссиз кўпайишига, бошқарув ходимлари ва маъмурий-хизмат, ўқув-ёрдамчи ва бошқа персонал таркибида катта мутахассислар сонининг ортиқчалигига йўл қўйилмаслиги керак.

Индивидуал тартибда штатлари белгиланадиган ОТМ ректорлари штатлар жадвалини лавозимлар номенклатураси билан белгиланган тартибда тасдиқлашлари ва унга ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

ОТМнинг янги таркибий бўлинмасини киритиш фақатгина вазирлик (идора) руҳсати билан амалга оширилади. Бунда ОТМ қайси вазирлик (идора) тасарруфида эканлигига эътибор берилади.

Давлат бюджетидан ёки аралаш молиялаштиришда бўлган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон Қарорига биноан ишлаб чиқилган “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон Қарори асосида амалга оширилади.

**Профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи фондини ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб** штатлар жадвали ва олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари хизмат қилади. Улар олий таълим



муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари, шунингдек ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

Ўзбекистонда 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълиммуассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари амалга киритилди.<sup>7</sup>

**Профессор-ўқитувчилар таркибининг** (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, ўқитувчи-стажер) базавий лавозим маошлари:

- штатдаги лавозимга;
- □ илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби штатлар жадвалларининг базавий лавозим маошлари схемаларида иккита маош назарда тутилган (жадвал).

Лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозим маошлари олий таълим муассасаси ректори томонидан ходимлар сони ва тегишли вазирлик (идора) томонидан ушбу олий таълим муассасаси учун мазкур ходимлар тоифасибўйича ҳисобланган иш ҳақи фонди доирасида белгиланади. Бунда ўталган илмий мактаб, иш стажи, ўқув-тарбия жараёнига қўшилган фаол ҳисса ва олийтаълим муассасаси раҳбари томонидан белгиланадиган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ошганда ва ходим олий таълим муассасасида бошқа лавозимга ўтганда амалга оширилади.

**Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)**

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошларимикдори	
1. Кафедра мудири:		
фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	365810	349444
фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	349444	336058

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон Қарори.

илмий даражага эга бўлмаган	336058	322600
2. Профессор:		
фан доктори илмий даражасига эга бўлган	349444	336058
фан номзоди илмий даражасига эга бўлган	336058	322600
илмий даражага эга бўлмаган	322600	306679
3. Доцент:		
илмий даражага эга бўлган	322600	306679
илмий даражага эга бўлмаган	306679	290938
4. Катта ўқитувчи		
илмий даражага эга бўлган	306679	290938
илмий даражага эга бўлмаган	290938	275549
5. Ассистент, ўқитувчи:		
илмий даражага эга бўлган	275549	260288
илмий даражага эга бўлмаган	260288	245258
6. Ўқитувчи-стажер	229655	

Базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайтатайёрлаш таълим муассасаларида (институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Профессорлар ва доцентларнинг базавий лавозим маошлари тегишли равишда профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга (ката илмий ходимга) белгиланади.

Профессор ёки доцент лавозимига тайинланган, бироқ тегишли илмий унвонга эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар таркибидан бўлган шахсларга икки йилгача бўлган муддатга базавий лавозим маошлари қуйидагимикдорларда белгиланади:

- профессор – 322600 сўм;
- доцент – 306679 сўм.

Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан тўланадиган ҳаройлик устамалар белгиланади.

Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган ва қўшимча тўлов ва устамаларнинг бошқа турлари миқдори базавий лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

- штатдаги ўқитувчилар томонидан ушбу тоифадаги ходимларга соатбайҳақ тўлаш шартлари тўғрисида амалдаги низомларга мувофиқ бажарилган ўқувишлари учун;

- белгиланган нормативларга мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаган ҳолда ўқув ишларини бажаришга жалб этиладиган ректорлар, проректорлар ва бошқараҳбар ходимларга;

- бошқа ташкилотлардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг ўқув ишлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

Профессор-ўқитувчи персоналнинг умумий сони таълим шакллари бўйича ставкалар сони, ҳар бир ўқитувчига тўғри келувчи талабалар ва аспирантлар сони асосида ҳисобланади.

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонининг чегаравий меъёри кундузги таълим шаклида олийтаълимнинг йўналиши ва мутахассислигидан келиб чиқиб 1 : 12,5 нисбатда ўрнатилган. Таълим шакллари бўйича талабалар сони қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$K_{\text{т}} = K_{\text{б}} + K_{\text{чт}} - K_{\text{бит}} + K_{\text{каб.режаси}},$$

бу ерда:

$K_{\text{т}}$  – талабаларнинг умумий сони;

$K_{\text{б}}$  – йил бошига талабаларнинг умумий сони;

$K_{\text{бит}}$  – шу йил битирганлар сони;

$K_{\text{чт}}$  – ўқув йили давомида чиқиб кетган ва тикланган талабаларнинг умумий сони;

$K_{\text{каб.режаси}}$  – жорий ўқув йилда талабаларни қабул режаси.

Ўқув жараёнига жалб этилаётган штатда бўлмаган мутахассисларнинг ишҳақи йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш фондида нисбатан фоиз ҳисобидарежалаштириладиган соатбайлик фондидан тўланади.

Олий таълим муассасалари **бошқарув персоналининг иш ҳақи, раҳбарларнинг** (ректор, проректор, декан, декан ўринбосари, директор, филиалдиректори ўринбосари) базавий лавозим маошлари олий таълим муассасасимансуб бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Биринчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ бўлган олий таълим муассасаси киради. Иккинчи гуруҳга талабалар контингенти 2000нафардан кам бўлган олий таълим муассасаси киради.

Штатдаги ходимлар ва штатдан ташқари персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди юқори ташкилот томонидан режалаштирилаётган йил учун меҳнат режаси бўйича тасдиқланган иш ҳақи фонди лимитига мос келиши керак.

Олий таълим муассасалари харажатларида катталиги бўйича иккинчи ўринда **стипендиялар тўлаш харажатлари** туради. Талабалар фанларни ўзлаштиришидан келиб чиқиб 3 тоифага бўлинади (аълочилар, яхши ўқийдиганлар ва давоматлилар).

Олий таълим муассасаси бўйича бир ойга **стипендия фондини** ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$Сф = Кк \times Рс,$$

бу ерда

**Сф** – олий таълим муассасаси бўйича 1 ойга стипендия фонди;

**Кк** – ҳар бир тоифа бўйича (аълочилар, яхши ўқийдиганлар ва давоматлилар) талабалар сони;

**Рс** – тегишли тоифа бўйича 1 ойлик стипендия.

Йиллик стипендия фонди ўртача йиллик стипендиатлар сонини, у ёки бу таълим муассасасида стипендияларнинг ўртача ҳажмини (ҳар бир тоифадаги талабалар сонига боғлиқ равишда) ва ўқиш ойлари сонини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Молиявий йил давомида стипендия фонди ҳажмида юз берадиган ўзгаришлар стипендиянинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда биринчи навбатда бюджетдан молиялаштирилади.

ОТМлар харажатларида кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишлари, ўқитувчиларнинг илмий сафарларига ва бошқаларга сарф-харажатлар режалаштирилади.

Инвентарь ва ускуналарга харажатлар уларни махсус ускуналар, компьютерлар ва хўжалик инвентари билан жиҳозлаш заруратидан келиб чиқиб режалаштирилади. Жамланма режалаштириш шароитида бу харажатлар ҳар бир талабага белгиланган меъёрлар асосида, капитал таъмирлаш учун харажатлар эсаташқи кубатурадан келиб чиқиб аниқланади.

ОТМ фаолиятини молиялаштириш белгиланган тартибда Республика бюджетидан ажратмалар ҳамда қўшимча жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Олий, ўрта махсус таълим ва маданият соҳасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг хусусияти ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш ҳажми уларнинг бюджет ташкилотлари якуний натижаларига шахсий ҳиссалари билан белгиланишида намоён бўлади<sup>8</sup>.

**Спорт мусобақаларининг календар режаси.**

---

<sup>8</sup>.(FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

Спорт ташкилотлари ва жамиятларининг асосий фаолиятларини акс эттирувчи омиллардан бири спорт мусобақаларининг календар режаси ҳисобланади.

Маълумки, барча жамоаларда турли спорт мусобақалари ва тадбирлари ўтказилиши одат тусига кириб келган. Шу сабабдан улар қуйидаги режа асосида ўз фаолиятларини юритишлари ҳамда ҳужжатлаштиришлари мумкин бўлади.

Режаларнинг кўрсаткичлари ва тўла мазмунлари ҳар бир ташкилот ва жамоанинг хусусиятларига қараб қисман ўзгариши мумкин.

### Спорт тадбирларининг календар режаси

Т р	Ишларнинг мазмуни	Муддати	Жойи	Масъул
1.	Соғломлаштирувчи тадбирлар: соғломлаштирувчи гуруҳларнинг машғулоти, саёҳатлар, дам олиш жойларидаги оммавий тадбирлар киритилади.	-	-	-
2.	Мажмуий тадбирлар: Спартакиада, универсиадалар, «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари мусобақалари, халқ миллий ўйинлари мусобақалари.	-	-	-
3.	Анъанавий тадбирлар: «Наврўз», «Мустақиллик куни» ва бошқа тадбирларга бағишланган турнирлар.	-	-	-
4.	Спорт турлари бўйича мусобақалар: биринчиликлар, кубоклар, чемпионатлар, ўртоқлик учрашувлари ва ҳоказолар.	-	-	-

Жисмоний тарбия ва спорт жамоалари, айниқса, спорт клублари ўзларининг спорт тадбирларини режалаштиришда соғломлаштириш, халқ миллий ўйинлари ва оммавий, анъанавий байрамлар, маросимлар, улуғ саналарни эътиборга олишлари керак. Шулар асосида календар ва умумий йиллик режаларини пухта ишлаб чиқишлари лозим бўлади.

**Режаларни тузиш, қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш тартиблари**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги, спорт жамиятлари ва уларнинг қуйи тармоқларида режаларни тузиш жараёнида қуйидаги тартиб ва қоидаларга амал қилинишини назорат қилади, яъни:

1. Ўтган йилда эришилган муваффақиятлар ва салбий томонларни ҳисобга олиш.

2. Юқори давлат идоралари томонидан қўйилган янги вазифаларга таяниш.

3. Республика ва халқаро спорт ҳаракатидаги илғор тажрибаларни қўллаш.

4. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сонини ошириш, юқори малакали ва разрядли спортчиларни тайёрлаш, мутахассис ходимлар, жамоатчи фаоллар тайёрлашни яхшилаш, спорт иншоотларини кенгайтириш ва бошқа муҳим кўрсаткичларни режалаштиришда аниқ имкониятларни ҳисобга олиш керак бўлади. Шунингдек, спорт тадбирларининг календар режаларини тузишда Халқаро спорт мусобақаларининг турлари, унда иштирок этиш зарур бўлган спорт турлари, ўтказилиш вақти, жойлари ва ҳоказоларни ҳам чуқур ўрганган ҳолда инобатга олишни тақозо этади.

Тузилган режалар юқори идораларнинг коллегиялари (хайъат) ва қуйи ташкилотларнинг фаоллар йиғилишида муҳокама қилиниб, зарур бўлса тузатишлар киритилади ва овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Уни раислар ва раҳбарлар расман тасдиқлаши лозим бўлади.

Режаларнинг бажарилишини назорат қилиш спорт ташкилотларидаги ташкилий ва режалаштириш бўлимлари, раҳбар ходимлар уюштирган махсус комиссиялар томонидан белгиланган вақтда ҳамда зарурият пайдо бўлганда амалга оширилиши мумкин. Назорат қилиш, текшириш жараёнларида қуйи жамоаларга амалий ёрдам бериш, йўл-йўриқлар кўрсатиш зарурдир. Барча тадбирларни аввалдан кўра билиш (прогноз-башорат қилиш) муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса тадқиқот ўтказиш ва меъёрларни белгилаш тақозо этилади. Бу вазифаларни адо этиш учун спорт ташкилотлари раҳбари, жисмоний тарбия билан боғланган турли вазирликлар, идоралар ўз тадбирларини белгилайдилар. Бунда шароитлар, илғор тажрибалар, фан ютуқлари инобатга олинади.

**Гимнастика спорт мусобақалари умумий ўрта таълим мактабларидаги жисмоний тарбияга оид** синфдан ташқари ишнинг энг қизиқарли формаларидан биридир. Улар ўқувчиларни уйда ва жисмоний тарбия жамоаларидаги тизимли жисмоний тарбия машғулотларга жалб этишга ёрдам беради, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оширади, болалар жамоасини мустаҳкамлайди.

Мусобақалар синфдан ташқари ишнинг бошқа турлари қатори, мактабнинг умумий йиллик иш режасига киритилади. Ўқув йилининг бошида мусобақаларни ўтказиш муддати, қоидалари ва дастури аниқ белгилаб олинади. Бу муддатларни ҳисобга олган ҳолда мусобақаларга олдиндан тайёргарлик кўрилади.

**Мусобақаларни ўтказишнинг қулай вақти қишки, баҳорги ва ёзги (ўқув йили тугаши биланок) каникуллар давридир.**

Гимнастика спорт мусобақалари директорнинг умумий раҳбарлиги остида ўқитувчилар томонидан уюштирилади ва ўтказилади. Уларда «Камолот» ташкилоти ва жисмоний тарбия жамоаси фаол иштирок этиши лозим. Юқори синфларнинг энг яхши спортчи ўқувчилари бошланғич синф ўқувчиларининг мусобақаларга тайёрланишларида ва уларни ўтказишда ёрдам берадилар.

Ҳар бир мусобақа муайян низомга мувофиқ ўтказилади. Низомда мусобақанинг мақсади ва вазифалари, вақти ва ўтказилиш жойи, қатнашувчилар, дастури, ўтказилиш шарти ва ҳисобга олиш, энг яхши иштирокчиларни ва жамоаларни мукофотлаш тартиби, аризалар формаси ва уларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

Умуммактаб мусобақаларини тайёрлаш ва ўтказиш учун, одатда мактаб директори бошчилик қиладиган ташкилий қўмита тузилади.

Ташкилий қўмитага ўқитувчилар, мактаб шифокори, «Камолот» етакчиси, жисмоний тарбия жамоаси ва ота-оналар қўмиатсининг вакиллари киритилади. Ташкилий қўмита мусобақаларнинг ўтказилиш вақти ва ўрни, уларнинг моддий таъминланиши, ҳисобга олиш шартлари ҳақидаги масалаларни ҳал этади, мусобақанинг кун тартибини тасдиқлайди.

Мусобақаларнинг муваффақиятли кўп даражада бош ҳакам бошқарадиган ҳакамлар коллегиясининг иш сифатига боғлиқ. Бош ҳакамни мактаб директори тайинлайди. Унинг вазифаси ҳакамларни танлаш уларга вазифаларни тақсимлаб бериш, мусобақа жойини тайёрлашни назорат қилиш, мусобақаларни ўтказиш режаси (кун тартибини) тузиш ва мусобақаларни низом ҳамда дастурига мувофиқ узлуксиз ўтказишни таъминлашдан иборатдир.

Бош ҳакамга катта ҳуқуқлар берилади, унинг қарори барча ҳакамлар ва мусобақа қатнашчилари учун мажбурийдир, у ҳамма баҳсли масалаларни ҳал этади. Мусобақалар тугагач, бош ҳакам котиб билан бирга якун чиқаради,

хужжатларни расмийлаштиради, мусобақанинг барча хужжатларини мактаб директорига топширади.

Мусобақа китоби аризаларни қабул қилади, уларни текширади, баён тайёрлайди, қуръа ташлайди, қатнашчиларга кўкрак рақамларини улашади, ҳакам билан биргаликда мусобақага яқун ясайди.

Ҳакамлар жамоаси таркибига (бош ҳакам ва котибдан ташқари) ишнинг ҳажми ва қатнашувчилар миқдорига қараб бош ҳакам ўринбосари, старт берувчилар, вақтни ҳисобга олувчи ҳакамлар, масофа бошлиқлари, назоратчилар ва бошқалар кириши мумкин. Уларнинг бори бош ҳакам раҳбарлигида ишлайди ва ўз мажбуриятларини адо этади.

Мусобақаларни тайёрлаш ва ўтказишга ўқувчиларни иложи борича кўпроқ жалб этмоқ лозим. Улар, одатда, мусобақа жойини, жиҳозларни ҳозирлайдилар, майдон ёки зални жиҳозлайдилар. Ҳакамлар протоколларини расмийлаштирадилар. Мусобақаларда иштирок этмайдиган болалар ҳакамлик қиладилар (агар уларга яхшилаб тушунтирилса, натижаларни ўлчашлари ва ёзиб олишлари, очколарни ҳисобга олиб боришлари мумкин).

Мактабда ўтказиладиган ҳар бир мусобақа **тантанали қисм** билан бошланади: сафланилади ва мусобақа қатнашчилари паради ўтказилади, мактаб директорининг табриги ўқилади, мусобақа байроғи кўтарилади. Мусобақа уюшган ҳолда тугайди ва байроқ тушириш маросими ўтказилади. Мусобақа яқунлари расмийлаштирилади ва барча ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади. Мусобақани тантанали яқунлаш ва соврин ҳамда ёрлиқлар бериш мусобақа тугаши биланоқ ёки тантанали линейка пайтида ўтказилади. Соврин ва ёрлиқлар мактаб директори томонидан берилади.

Бир неча йиллардан бери мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» деб аталадиган болалар спорт ўйинлари ўтказилиб келинмоқда. Бу ўйинлар умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида оммавий жисмоний маданият ва спорт ишларини янада яхшилаш, болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига мунтазам қатнаштиришга эришиш, ўқувчиларни «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест талабларини топширишга тайёрланиш ва топширишга фаол жалб этиш, шунингдек, оммавий жисмоний тарбия ва спорт ишида энг яхши йўлга қўйилган синф ҳамда мактабларни, спорт турлари бўйича кучли ёш спортчиларни аниқлаш мақсадида уюштирилмоқда. Бу мусобақаларда IV-XI синфларнинг ўқувчилари иштирок этишлари мумкин. Мусобақалар уч босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда мусобақалар синф доирасида ўтказилади; бунда саломатлиги яроқли деб топилган барча ўқувчилар иштирок этишади. Сўнг синфлараро, мактаблараро, шаҳар, туман, вилоят ҳамда яқуний республика мусобақалари ўтказилади.



**Гимнастика спорт тури бўйича мусобақалар ташкил этиш ва хакамлик қилиш.** Гимнастика спорт мусобақалари тарбиявий вазифаларни бажаради. Гимнастика спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш жисмоний тарбия дарсларининг самарали бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга спорт мусобақалари ўқувчилар ва синфлар ўртасида дўстона мусносабатларни мустаҳкамлайди ва фаолликни, ташаббускорликни оширади.

Гимнастика спорт мусобақалари бир йилда 2-3 марта ўтказилиши мумкин. Бунинг учун узоқ ва аниқ белгилаб олинган сценарий асосида тайёргарлик кўрилади. Масалан: “Саломатлик куни”, ўқувчиларнинг “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг очилиши ва ёпилиши. “Наврўз” умумхалқ байрамларига бағишлаб миллий ўйинлар, турли хил мусобақалар, фестиваллар, ташкил қилиш мумкин.

Мусобақа майдони чиройли қилиб безатилиб, унга меҳмонларни, хомийларни, ота-оналар кўмиталарини, мактаб директори ва ўқитувчиларни таклиф қилиш мумкин.

Спорт мусобақаси қуйидагича бошланиши мумкин: умумий саф, очилиш паради, табрик сўзлари, байроқни кўтариш, Ўзбекистон Республикаси гимни ва ҳоказо. Мусобақада оммавий спорт чиқишлари, танцалар, ўйинлар, аттракционлар ва бошқалар. Кубоклар ва мукофотлар, значоклар, диплом ва бошқа инвентарларни бериш мумкин.

Энг фаол синфлар, жамоалар, спортчилар ҳамда синф раҳбарларини тақдирлаш мумкин. Спорт мусобақаси куни дарслар бекор қилинган мақул, чунки синфлар фаол иштирок этишни таъминлайди. Ҳар бир синф синф раҳбари бошчилигида ўз спорт формалари, эмблемалари, ўз номлари ва ҳоказолар билан ажралиб туради.

Гимнастика спорт мусобақаси тантанали равишда байроқ туширилиши билан якунланади. Гимнастика спорт мусобақасини муваффақиятли ўтказишда унинг режаси, сценарийси, яхши ўйлаб ташкил этилишига боғлиқ. Мусобақа давомийлиги 1,5-2 соатни ташкил қилади.

### **Халқаро ва ундан юқори бўлган мусобақаларга спорт жамоаларининг иштирокини таъминланда бюджет маблағларида самарали фойдаланиш йўллари.**

Ҳар қандай спорт тури бўйича спорт федерациялари томонидан йил якунидада келгуси йил учун спорт тадбирлари тақвими тузилади. Республика биринчилиги ва ундан олдинги саралаш мусобақалари федерация раҳбариятининг ихтиёрига ва имкониятига кўра мусобақани ўтказиш жойи, вақти, жамоаларнинг ташкилий таркиби ва мусобақа сарф-харажатларинг ким томонидан ташкил этилиши белгиланади, ҳамда мусобақа Низоми ишлаб

чикилади. Низомда барча харажатлар ва жамоа таркиби ва ҳакамлар ҳаёти аъзоларининг сони кўрсатилади. Низом асосида ушбу мусобақанинг сарф-харажатлари сметаси тузилади. Худди шу тартибда бошқа мусобақаларнинг ҳам сарф харажатлари ҳисобланиб, йиллик суммаси ҳисобланади.

Республикадан ташқари мусобақалар тақвими бир йил олдиндан мусобақани ўтказувчи Халқаро, Осиё ёки Жаҳон спорт ассоциацияси томонидан таклифнома ва мусобақа Низомини юборган ҳолда ташкил этилади. Мусобақа Низомида мусобақа ўтиш жойи, вақти, жамоалар таркиби ва сарф-харажатларнинг ким томонидан тўланиши кўрсатилган бўлади. Ҳар бир федерация мусобақаларнинг аҳамиятига кўра йиллик тақвим режага киритади. Агар тақвим режа Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланиб, йиллик Вазирликнинг тақвим режасига киритса, сметага кирган бўлиб, йиллик смета тасдиқлангач, белгиланган жадвал асосида Республика бюджетидан маблағ ажратилади ва Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши чиқарилиб, федерация тавсия этган жамоа чет элга мусобақага бориб келиш имкониятига эга бўлади.

Жамият ривожланишининг ҳозирги давр босқичида баркамол инсонни тарбиялаш энг асосий, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш демакдир». Шундай экан, мамлакатимизда «Соғлом авлод дастури» (1993й) ҳаракатининг кенг тус олгани, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997й 29 август) асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улғувор вазифани амалга ошириш йўлидаги муҳим кадамдир.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларининг ҳаётга тадбиқ қилиниши, ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг турли спорт мусобақалари, жумладан, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод спорт ўйинлари», «Универсиада» шулар қаторида, халқ миллий ўйинлари фестивалларининг ўтказилиши эътиборга моликдир.

Шунингдек, халқ миллий ўйинларини ўзида мужассамлаштирилган «Алпомиш ўйинлари фестиваллари», хотин-қизлар спортини ўзига қамраб олган «Тўмарис ўйинлари фестиваллари» миллий кадриятларни тобора бойитиш, ўқувчи ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолотини юксалтириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Шу туфайли аҳолининг барча қатламларида, яъни барча жамоаларда ва аҳоли турар жойларида спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ўтказиш ишлари, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари олдида турган долзарб ишлардан ҳисобланади.

Болалар муассасаларидаги жисмоний тарбия мусобақалари болаларнинг соғлом, хушчақчақ ҳолати ва уларнинг ҳаракат кўникмаларини шакллантиришдаги ютуқлари намоишидан иборат бўлади. Тоза хавода ўтказиладиган, ҳаракат мазмуни динамикага тўлиқ, бу мусобақа болалар ҳаётида қувончли воқеа ҳисобланади.

Жисмоний тарбия мусобақа дастурида болаларнинг муайян давр ичида эгаллаган ҳаракат кўникмаларини акс эттириши қувноқ ҳаракатли ўйинлар ва хилма-хил жисмоний машқлар ташкил этиш лозим. Мунтазам жисмоний тарбия машғулотида ўзлаштирилган бу ҳаракат формалари махсус тайёргарликни талаб этмайди ва мусобақа дастурига табиий равишда киришиб кетади, болаларга катта завқ бағишлайди.

Мусобақага тайёргарлик режадаги тарбиявий ишга ҳалақит бермаслиги керак. Мусобақага вақт давомийлиги ҳисобга олинмаган ҳолда кўп марта такрорланган «номерлар» болаларда жисмоний ва психик толиқиш уйғотади, қизиқишни сўндиради, эмоцияларни ўтмаслаштиради ва уларни мусобақаларда ўрганилган дарс сифатида бажаришга олиб келади. Мусобақа болалар билан мунтазам, тизимли равишда олиб бориладиган ишнинг натижаси бўлиши керак.

Спорт мусобақалари ўзларининг мазмун спецификасига кўра дастур ва тузилиши жиҳатдан хилма-хил бўлиши мумкин.

Спорт мусобақалари кундалик ҳаёт фонида майдончанинг одатдан ташқари безатилиши, инвентарлар: гуллар, фонарчалар, ленталар, тўплар, обруч, скакалчалар, гимнастика таёқчалари, арқонлар ва ҳоказолар ёрдамида жиҳозланиши билан ажралиб туради, болалар майдончасининг одатдаги тусини ўзгартиради ва болаларда мусобақа кайфиятини уйғотади. Мусобақа жараёнида мусиқа ҳам катта роль ўйнайди. У эмоционал кўтаринкилик яратади ва болаларни қувноқ, хушчақчақ кайфиятга бирлаштиради.

Мусобақа биринчи қисми-парад формасида тузилиши мумкин. У алоҳида жамоаларга бўлинган, ўзларининг вимпел ва нишонларини кўтариб олган болаларнинг юриши билан бошланади. Қўшиқ, шеърлар жўрлигидаги болалар ҳаракат улкан эмоционал кўтаринкилик уйғотади. Шундан сўнг болалар ўз ютуқларини ўйинлар ва машқларда намоиш қилишлари мумкин. Болалар ўз кучларига яраша мусобақаларда (югуриш, улоқтириш, сакраш) предметлар билан бажариладиган машқлар ва ҳоказо), ўйин-эстафеталарда, спорт ўйинларида қатнашадилар. Мусобақада қувноқ аттракционлардан фойдаланиш ҳам мумкин. Буларнинг барчаси вақтни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Мусобақа иккинчи қисми-болаларда катта қувонч уйғотувчи томоша кўринишида кўғирчоқ театри сифатида ёки катталар ва болалар иштирокидаги ташкил этилиши мумкин. Турли сюрпризлар бирор эртақ қаҳрамонининг,

ҳикоячи фокусчи, раққос ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиши бу қисмнинг доимий компоненти ҳисобланади.

Мусобақа якунида-болалар бошловчи таклифига кўра меҳмонлар: оналар, педагоглар, ходимларни таклиф этиб тушириладиган умумий рақс яхши кайфиятни мустаҳкамлайди.

Мусобақанинг муваффақиятли ўтказилиши бутун педагоглар жамоаси: методистлар, педагоглар, мусиқа раҳбари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг аҳилликдаги меҳнати самарасидир.

### **Бюджетга қарашли жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида штатлар жадвали ҳақида.**

**106-модда.** Бюджет ташкилотининг штат жадвалини тузиш ва тасдиқлаш.

Бюджет ташкилотининг штат жадвали 1 январь ҳолатига кўра ҳар бир бюджет ташкилоти бўйича мазкур ташкилот учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича тузилади.

Янгидан тузилаётган бюджет ташкилотининг штат жадвали, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бюджет ташкилоти фаолият кўрсата бошлашидан икки ой олдин тузилади ва кучга киради.

Лавозимларнинг номлари ва ходимлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар, базавий ставкалар:

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида, намунавий штатларда ҳамда қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф разрядларида ва базавий ставкаларда назарда тутилган лавозимларга;

тасдиқланган намунавий штатларда назарда тутилган ходимлар сонига;

ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сонига, шу жумладан бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан сақлаб турилган бошқарув ходимлари сонига;

давлат бошқаруви органларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бошқарув, хизматлар кўрсатувчи ва техник ходимлари сонининг ўзаро нисбати нормативларига мувофиқ бўлиши керак.

Иш ҳақининг ҳисоб-китоби тарификация рўйхатларига мувофиқ амалга ошириладиган лавозимлар штат жадвалига лавозимларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича ставкалар сони, ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси кўрсатилган, тарификация рўйхатининг штат жадвалига илова қилинган ҳолда киритилади.

Айрим бюджет ташкилотлари учун тасдиқланган намунавий штат нормативлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар, базавий ставкалар мавжуд бўлмаганда, уларнинг штат жадвалларига киритиладиган лавозимларнинг номи ва ходимлар сони ҳамда уларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлари, базавий ставкалари ушбу ташкилотлар томонидан ташкилотнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишувга кўра белгиланади.

Амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида назарда тутилган, устамалар, кўшимча ҳақ тўлаш ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган, бир йил учун ҳисоб-китоб қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси бюджет ташкилотининг штат жадвалида алоҳида сатр билан кўрсатилади.

Бюджет маблағлари олувчилар – капитал қурилиш бўйича буюртмачилар хизматларининг штат жадвали ушбу моддага мувофиқ тузилади.

Бюджет ташкилотининг штат жадвали ташкилотнинг бош бухгалтери (унинг ўринбосари) ва молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штат жадвалига мувофиқ молиявий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ҳамда ташкилот раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан тасдиқланади.

Бюджет ташкилотларининг штат жадвалларини тасдиқлаш жорий молия йилининг 10 мартидан кечиктирмай амалга оширилади.

### **107-модда. Харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш тартиби**

Ташкилотларнинг ушбу Кодексда белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметалари ва штат жадваллари улар молия органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин амалга киритилади.

Жорий йилнинг 1 апрелигача:

бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича тасдиқланган жамланма харажатлар сметалари ва жамланма штат жадваллари, шунингдек харажатлар сметалари ва штат жадваллари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари ва штат жадваллари – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларида;

туманлар ва шаҳарлар бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари ва штат жадваллари – туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари, шунингдек тегишли бюджетнинг кўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан харажатлари тегишли молия органи томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

Харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказишдан олдин молия органлари:

бюджет ташкилотлари ходимларининг харажатлар сметалари бўйича тасдиқланган иш ҳақи суммаларининг штат жадваллари бўйича тасдиқланган иш ҳақиға мувофиқлигини;

штат жадвалида назарда тутилган лавозимлар номларининг ва ходимлар сонининг, меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларининг, базавий миқдорларининг белгиланган нормативларга мувофиқлигини;

Бюджет ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасининг тўғри шакллантирилганлигини;

Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг директор жамғармаси тўғри шакллантирилганлигини;

харажатлар сметасида тасдиқланган стипендиялар учун харажатлар суммасининг харажатлар сметасига доир ҳисоб-китобларга мувофиқлигини;

тўртинчи гуруҳнинг моддалар бўйича ёйилмасидаги харажатлар суммасининг харажатлар сметасида тасдиқланган суммага мувофиқлигини текширади.

Бюджет ташкилоти харажатлари сметаси қуйидаги тасниф бўйича амалга тузилади.

**1.Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар** (болали оилаларга бериладиган нафақалар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар), бу гуруҳдаги харажатлар жумласига харажатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги харажатлар туркумлари киради:

01-1-00 – иш ҳақи;

03-4-10 – стипендиялар;

03-4-20 – бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ишлайдиган оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа;

03-4-25 – бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ишламайдиган оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа;

03-4-30 – 16 ёшгача болалари бўлган кам таъминланган оилаларга нафақалар;

03-4-40 – кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

Иш ҳақига ҳисобланишлар, бу гуруҳга харажатлар иқтисодий таснифининг 01-1-00 – иш берувчиларнинг ажратмалари, харажатлар туркумлари киради.

**Капитал қўйилмалар (Давлат инвестициялар дастурида кўзда тутилган адрес рўйхатларига мувофиқ)**, бу гуруҳга харажатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги харажатлар туркумлари киради:

04-2-00 – ишлаб чиқариш соҳасида қурилиш, реконструкция қилиш ва шу мақсадда капитал активлар сотиб олиш харажарлари;

04-3-00 – ноишлаб чиқариш соҳасида қурилиш, реконструкция қилиш ва шу мақсадда капитал активлар сотиб олиш харажарлари.

**Бошқа харажатлар, бу гуруҳга харажатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги харажатлар туркумлари киради:**

01-3-00 – хизмат сафарлари харажатлари;

01-4-00 – коммунал хизматлари харажатлари;

01-5-00–телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари;

01-6-00 – жорий таъмирлаш харажатлари;

- 01-7-00 – сақлаш, ижара, фойдаланиш ва бошқа хизматларни тўлаш харажатлари;
- 01-8-00 – жорий мақсадлар учун техника, ускуналар, жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари;
- 01-9-00 – бошқа жорий харажатлар;
- 03-1-00 – нотижорат ташкилотларига жорий трансфертлар;
- 03-3-00 – субсидия ва бошқа жорий трансфертлар;
- 03-4-45 – коммунал хизматлар бўйича имтиёзли тўловлар;
- 03-4-90 – уй хўжаликларига бошқа трансфертлар;
- 03-5-00 – чет элларга жорий трансфертлар;
- 04-1-00 – асосий капитал активлар сотиб олиш;
- 04-4-00 – ишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари;
- 04-5-00 – ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш харажатлари;
- 06-0-00 – капитал лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган ер ва номатериал активлар сотиб олиш харажатлари;
- 07-1-00 – давлат бошқаруви бошқа даражаларига капитал трансфертлар;
- 07-2-00 – мамлакат ичидаги бошқа капитал трансфертлар;
- 07-3-00 – чет элларга трансфертлар;
- 08-1-00 – ички кредитлар (ссудалар);
- 08-2-00 – мамлакат ичидаги капиталда иштирок этиш;
- 08-3-00 – ташқи кредитлар ва хорижий капиталда иштирок этиш;
- 09-1-00 – ички асосий қарзни тўлаш;
- 09-2-00 – ташқи асосий қарзни тўлаш;
- 10-0-00 – субвенция, ссуда ва бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар.

**Бюджетга қарашли жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида йиллик харажатлар сметасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби ҳақида**

**102-модда.** Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларини тузиш.

Харажатлар сметалари бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан, йил ойлари бўйича тақсимланган ҳолда:

харажатларнинг биринчи – учинчи гуруҳлари бўйича – харажатларнинг моддаларига кўра ажратиб;

харажатларнинг тўртинчи гуруҳи бўйича – харажатларнинг моддаларига кўра ажратмасдан тузилади.

Харажатлар сметасига харажатларнинг моддалари бўйича тўртинчи гуруҳ харажатлари ёйилмаси, шунингдек давлат эҳтиёжлари учун устувор равишда кичик тадбиркорлик субъектларидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) гуруҳларининг рўйхати бўйича харажатлар ёйилмаси илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик муассасалари бўйича харажатлар сметалари ҳар бир дипломатик муассаса бўйича алоҳида-алоҳида хорижий ва миллий валюталарда тузилади.

Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари уч нусхада тузилади.

Молия органлари ва бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларига доир ҳисоб-китобларни талаб қилишга ҳақлидир.

Бюджет маблағларини тақсимловчи ўз тасарруфидаги ташкилотлардан келиб тушган харажатлар сметаларини молия йили учун бюджет маблағларини тақсимловчига бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида кўриб чиқади ва бюджет маблағларини тақсимловчининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиладиган жамланма харажатлар сметасини тузади.

Харажатлар сметасининг, жамланма харажатлар сметасининг ва уларга доир иловаларнинг шакллари, шунингдек уларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

**103-модда.** Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларини тасдиқлаш.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ташкилот бош бухгалтери (унинг ўринбосари) ва молия-иқтисод бўлинмаси бошлиғи (штат жадвалига мувофиқ молиявий-иқтисодий масалалар бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ҳамда ташкилот раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан тасдиқланади.

Бюджет маблағларини тақсимловчининг жамланма харажатлар сметаси бюджет маблағларини тақсимловчининг бош бухгалтери (унинг ўринбосари) ва молия-иқтисод бўлинмаси бошлиғи (штат жадвалига мувофиқ молиявий-иқтисодий масалалари бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ҳамда бюджет маблағларини тақсимловчининг раҳбари ёки у ваколат берган шахс томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик муассасалари бўйича харажатлар сметалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бош бухгалтери ва молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири ёки улар ваколат берган шахслар томонидан тасдиқланади.

Капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг сметалари буюртмачи томонидан тасдиқланган қурилишларнинг манзилли рўйхатлари ва объектларнинг титул рўйхатлари асосида тузилади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларини бюджет маблағларини тақсимловчининг жамланма харажатлар сметаларини тасдиқлаш жорий молия йилининг 10 мартидан кечиктирмай амалга оширилади.



## Назорат саволлари

1. ОТМ ректорининг харажатлар сметаси, тарификация ва штатлар жадвалини тузишдаги ваколатлар қандай?
2. Харажатлар сметасининг ҳаққонийлиги учун ким жавобгар?
3. Сметани ким тузади?
4. Ректор ва бош бухгалтернинг масъулиятларини айтиб беринг

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).
2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).
3. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.
4. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.
6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.
5. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти
6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот:

#### Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларини йиллик харажатлар сметаси ва унинг бандлари.

**Ишдан мақсад:** Бюджетга қарашли спорт ташкилотларида штатлар жадвалининг шакллантириш. Корхона менежерининг смета ижросини таъминлашдаги ўрни. Смета харажатларининг ортиқча ишлатилган учун жавобгарлик. Йиллик смета харажатларининг самарали фойдалинишида корхона менежери ва бош ҳисобчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**Масаланинг қўйилиши:** Ушбу мавзу бўйича ҳар бир тинглавчи ўзи ишлаб турган ОТМ фаолияти бўйича мамунавий штатлар жадвали тузиш бўйича тушунчаларини синаб кўриш

### Назорат учун саволлар

1. Штат жадвали ким томонидан тузилади?
2. Штат жадвалини тузишда нимага сосланилади?
3. Штат жадвали ким томонидан тузилади?
4. Штат жадвалини тузиш учун ким жавобгар?
5. Штат жадвали қандай тасдиқланади?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

4. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

5. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

## **2-амалий машғулот:**

**Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартиби.**

**Ишдан мақсад:** ОТМда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларнинг манбалари, уни асословчи ҳужжатлар асосида харажатлар сметасини тузиш ва расмийлаштириш ҳақида етарли кўникмага эга бўлиши.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи ишлаб турган ОТМда бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларнинг манбалари, уни асословчи ҳужжатлар асосида харажатлар сметасини тузиш ва расмийлаштириш

### **Назорат саволлари**

1. Бюджет маблағлари қандай ташкилотларга берилади?
2. Смета неча нусхада тузилади ва қандай ташкилотларда сақланади?
3. Сметани тузиб, тасдиқловчилар кимлар?
4. Штат жадвалини тузиб тасдиқловчилар кимлар?
5. Сметанинг тасдиқланиш даври қачангача?
6. Смета тасдиқлангунча қандай молиялаштирилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. Остонақулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.–Т.: Молия, 2007.

4. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

5. Остонақулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

7. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

8. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

### 3- амалий машгулот:

**Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаларида маблағлар тушуми, уларни ишлатиш, молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш.**

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаси маблағларини ишлатиш тартиби. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим муассасаси молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш.

**Ишдан мақсад:** ОТМ да бюджет ва бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлардан олинадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдорини ҳисоблаш тартибини ўргатиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна:**

**Ўқитувчининг бир ойлик маоши 1250000 сўм. Даромад солиғини ҳисобланг.**

<b>Солиқ солинадиган даромад миқдори</b>	<b>Солиқ суммаси</b>
1. Энг кам иш ҳақи суммаси 130240 сўм	Даромад солиғи суммаси 0 фоиз
2.130240 сўмдан 651200 сўмгача	130240 сўмдан ортиқ сумманинг 7.5 фоизи
3.651200 сўмдан 1302400 сўмгача	651200 сўмдан ортиқ сумманинг 17 фоиз
4.1302400 сўм	1302400 сўмдан ортиқ сумманинг 23 фоиз

#### **Назорат саволлари**

1. Ойлик маошдан қандай солиқлар ушлаб қолинади?
2. Даромад солиғини ҳисоблаш тартиби қандай?
3. Ойлик маошдан қандай мажбурий йиғимлар ушлаб қолинади?
4. Йиғилиб борувчи пенсия жамғармасига қандай ажратилади?
5. Касаба уюшмасига қандай ажратилади

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.–Т.: Молия, 2007.

4. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). – Т.: ТДИУ, 2006.

5. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. –Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

7. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

8. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

#### **4-амалий машғулот:**

#### **Спорт таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш.**

Спорт таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш. Спорт таълими муассасаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш. Спорт тпдбирлари тақвими, харажатлар сметаси ва аванс ҳисоботларини тузиш.

**Ишдан мақсад:** ОТМ да спорт тадбирлари ташкил этиш йўллари. Спорт тадбирларининг молиявий ҳисоботини тузиб тасдиқлатиш тартибини ўргатиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна;**

Тасдиқлайман

*Ҳисоботдаги сумма Беш миллион беш юз минг сўм. беш минг доллар*

\_\_\_\_\_ (сўз билан)

Ташкилот

раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

\_Баромов Б.О.

(Ф.И.Ш.)

«\_18\_»\_май 2015й.

**АВАНС ҲИСОБОТИ 2-сон**

«\_17\_» май 2015 йилдан.

Таркибий бўлинма

*Мураббий* \_\_\_\_\_

Молиялаштириш манбаси *Бюджетдан ташқари*

Ҳисобдор шахс

*\_Ахмедов.Аҳат .Ахмедович*

Лавозими

*\_Мураббий*

Аванс номи

*Осий биринчилиги*

Кўрсаткич номи		Сумма, сўм.	Бухгалтерия ёзуви		Сумма, сўм	
			дебет	кредит		
Олдинг и аванс	<u>қолдик</u> Ортиқча ишлатилди		1	2	3	4
	Аванс олинди (кимдан ва қачон)					
№25 К/О сўм		<i>5500000</i>	<i>176</i>	<i>120</i>	<i>5500000</i>	
№ 26 К/О доллар		<i>5000</i>	<i>176</i>	<i>120</i>	<i>5000</i>	
Жами олинган		<i>5500000</i>	<i>176</i>	<i>120</i>	<i>5500000</i>	
Ишлатилди		<i>5000</i>	<i>176</i>	<i>120</i>	<i>5000</i>	
Қолдик		йўқ				
Ортиқча ишлатилди		йўқ				

Илова: 11 та та ҳужжатлар Ҳисобот текширилди.

Ҳисобчи (имзо) (Ф.И.Ш.) (имзо) (Ф.И.Ш.)

Ёзишма. Текширишга қабул қилинди \_\_\_\_\_ аванс ҳисоботи \_\_\_\_\_-сон \_\_\_\_\_ й.  
суммаси \_\_\_\_\_ сўм. \_\_\_\_\_ тий., ҳужжатлар сони \_\_\_\_\_

ҳисобчи \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ й.  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

2- бети

Сана	Ҳужжат раками	Кимга	Харажат суммаси				Дебет субсчё т
			ҳисобот бўйича		ҳисобга қабул қилинди		
			сўмда	валютад а	сўмда	валютад а	
1	2	3	4	5	6	7	8
<i>10.05.15</i>	<i>25</i>	<i>Ахмедов А.А</i>	<i>55000000</i>	<i>5000</i>	<i>55000000</i>	<i>5000</i>	<i>176</i>
<i>Жами</i>			<i>55000000</i>	<i>5000</i>	<i>55000000</i>	<i>5000</i>	<i>176</i>

Ҳисобдор шахс \_\_\_\_\_ Ахмедов Ахат Ахмедович  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**Назорат саволлари**

1. ОТМ да қандай спорт тадбирлари ўтказилади?
2. Спорт тадбирларига ким раҳбарлик қилади?

3. Спорттадбирлари сарф харажатлари қандай манбалардан ташкил топади?

4. Спорт тадбирининг молиявий ҳисоботи ким томонидан тузилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатга олинган).

2. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).

3. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.—Т.: Молия, 2007.

4. «Бюджет ҳисоби» фани бўйича таълим технологияси (Биринчи китоб). — Т.: ТДИУ, 2006.

5. Остонакулов М. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. —Т.: 2005.

6. Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобидаги охириги ўзгаришлар. —Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

7. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т:2010. infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

8. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги сайти).

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-Кейс.

Чет элда бўладиган спорт мусобақасига Низом бўйича 15 нафар спортчи, 2 нафар мураббий 1 нафар хакам иштирок этиши керак эди. Спортчилар делегацияси учиб кетадиган куни тасодифан хакам кета олмади, унинг ўрнига захира ўйинчи учиб кетди. Ушбу захира ўйинчи мусобақага ғалаба келтирди. Низом асосида мусобақа молиявий ҳисоботини топшириш.

#### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

- Ҳар бир спортчи учун бир томонга йул харажатлари 1200000 сўм, меҳмонхона харажатлари кунига 20 доллар, кунлик овқатланиш харажатлари 10 доллар.

- Яъни ишлаб чиқилган илова дизайни барча қурилмалар учун стандарт бўлишини таъминлашда бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш)

### 2-Муаммоли вазият.

Республика биринчилига мусобасини ўтказиш бўйича федерация Низомига асосан спортчиларнинг йўл, ётоқ ҳамда овқатланиш харажатларидан бошқа барча сарф харажатлар спорт федерацияси ҳисобидан молиялаштирилиши керак эди. Мусобақа уч кунга мулжалланган бўлиб бошланишидан бир кун олдин маблағ билан таъминлашнинг имкони бўлмаётгани маълум бўлди.

Мусобақани ўтказиш ёки ўтказмасликнинг тўғри ечимини топинг.

Спорт мусобақасининг молиявий ҳисоботи ким томонидан қандай тузилади.

Манба:

1. Мусобақанинг тантанали очилиш маросими учун санъаткорларга 2500000 сўм.

2. Спорт ишоатининг ижарисига ҳар кунига 2000000 сўм.

3. Медаль диплом ва турли совғаларга 10000000 сўм режалаштирилган



### 3 Кейс.

Тайландда бўлиб ўтадиган Осиё чепионатига ташкилий қўмитанинг ташриф қоғози ва Низомига асосан 10 нафар спортчи ва 2 нафар мураббийдан иборат жамоа барча ҳужжатларни тайёрлаб, пулларни олиб, учиб кетиш кунида 1-чи рақамли спортчи паспортини йўқотиб қўйди.

Бир нафар спортчи мусобақада иштирок эта олмади. Ҳолатни тўғри баҳолаб, мусобақанинг молиявий ҳисоботини тузинг.

#### **Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:**

Мусобақа харажатлари.

Бир спортчи учун йўл харажати 2300000 сум, меҳмонхона харажати 20 доллар, кунлик овқатланиш харажати 10 доллар.

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил иш муайян модулдан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини тингловчи томонидан ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан *асосий мақсад* – тингловчиларни модулни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги ўзлари фаолият олиб бораётган таълим муассасасида спорт тадбирларининг молиявий ҳисоботларини мустақил равишда тузиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Мазкур модул бўйича мустақил таълим жараёнида тингловчи кўйидагиларни амалга ошириши лозим:

– мавзулар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тегишли бобларининг мазмунини ўзлаштириш;

– маърузаларнинг маълум қисмларини тарқатма материаллар ёрдамида ўзлаштириш;

– махсус адабиётларни ўрганган ҳолда модул мавзулари устида ишлаш;

– тегишли асбоб-ускуналар билан ишлаб, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;

– ўқув-илмий тадқиқот ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган модул мавзулари ва бўлимларини чуқур ўрганиш.

– интерфаол ва масофавий таълим услубларидан кенг фойдаланиш.

### Мустақил таълим мавзулари:

1. Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларини молиялаштириш.
2. Спорт таълими муассасалари бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар ва уларни ишлатиш тартиби.
3. Таълим муассасаларида маблағлар тушуми.
4. Маблағларни ишлатиш, солиқ, солиққа тортиш ва молиявий-хўжалик фаолиятини олиб бориш.
5. Раҳбар хонаси ва қабулхонасининг жиҳозланишига бўлган талаблар.
6. Биронта спорт ташкилотининг штат жадвали ва сметасини тузиш бўйича мисол келтиринг.
7. Биронта спорт тадбирининг якуни бўйича аванс ҳисоботини тузинг.
8. Биронта спорт федерациясининг спорт тадбирларининг йиллик тақвим режасини ва сметасини тузинг.

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидаги шархи
<i>Бюджетдан ажратиладиган маблағлар</i>	Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағлари.	<b>budgetary allocations</b> - funds provided for budgetary organizations and the recipients of budget funds from the State Budget of the Republic of Uzbekistan and the budgets of state trust funds.
<i>Бюджет жараёни</i>	бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижроси устидан назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.	<b>budget process</b> - the process of formation, preparation, review, acceptance, approval and execution of budgets of the budgetary system, control over their execution, preparation and approval of the performance of the budget system of reporting, as well as the relationship between them.
<i>Бюджет жараёни иштирокчилари</i>	давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар.	<b>participants in the budget process</b> - the bodies of state power and administration, bodies of state financial control, budget organizations and budget recipients.
<i>Бюджет ссудаси</i>	қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юридик шахсга ажратиладиган пул маблағлари.	<b>budget loan</b> - funds allocated on a returnable basis of the higher budget in the lower budgets and state trust funds, resident legal entity.
<i>Бюджет сўрови</i>	келгуси давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи ҳужжат.	<b>budget request</b> - a document providing justification for the need for budget appropriations for the next period.
<i>Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари</i>	конун ҳужжатларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар.	<b>extra-budgetary funds of budget organizations</b> - funds made available to the budget organization at the expense of sources provided by the legislation.
<i>Давлат бюджети профицити</i>	-муайян даврда давлат бюджети даромадларининг унинг харажатларидан ошиб кетиши.	<b>State budget surplus</b> - the excess of the State Budget of the Republic of Uzbekistan revenues over expenditures for a given period.
<i>Давлат бюджети тақчиллиги</i>	-муайян даврда давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши.	<b>The state budget deficit</b> - the excess of the Republic of Uzbekistan State Budget expenditures over revenues for a certain period.

<i>Даромадлар ва харажатлар сметаси</i>	-бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг тегишли чорак ёки молия йили учун кутилаётган тушумлари ва харажатлари акс эттириладиган ҳужжат.	<b>estimates of income and expenditure</b> - a document which reflects the expected income and expenditure of extra-budgetary funds of budget organizations for the relevant quarter or fiscal year.
<i>Дотация</i>	-бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.	<b>Dotation</b> - funds allocated free of budgets of the budgetary system to cover the difference between revenues and expenses in case of insufficiency of their own income.
<i>Жамланма харажатлар сметаси</i>	-бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан унинг тасарруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси;	<b>Overall cost estimates</b> - cost estimates compiled manager of budgetary funds on the basis of estimates of expenditures of budgetary organizations and subordinate recipients of budgetary funds.
<i>Молиявий мажбуриятлар</i>	-бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағлари олувчиларда уларга пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар.	<b>financial liabilities</b> - liabilities arising from the budgetary organizations and the recipients of budget funds on the basis of documents, including court orders obliging them to transfer funds.
<i>Харажатлар моддаси</i>	-бюджет тизими бюджетлари харажатларини иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг аниқ турлари бўйича белгиловчи бюджет таснифининг бир қисми.	<b>expenditure</b> part of the budget classification, which defines the budgetary system expenditure on economic goals and specific types of payments.
<i>Харажатлар сметаси</i>	-бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжат.	<b>cost estimate</b> - a document drawn up and approved by the budgetary organization or the recipient of the budget for the fiscal year, which reflects provided for her (him) budget allocation of expenditure.
<i>Штат жадвали</i>	-доимий ходимлар ва бўш ўринлар лавозимларининг номланишини уларнинг сони ва лавозим маошларининг миқдорлари кўрсатилган ҳолдаги рўйхатини ўз ичига оладиган, бюджет ташкилоти томонидан тузиладиган ҳужжат.	<b>staffing</b> — a document containing a list of job titles of employees and vacancies with the indication of their number and salaries, draw up the budget of the organization.
<i>Шахсий газна ҳисоб варақлари</i>	-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очиладиган, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган тахлилий ҳисоб регистрлари.	<b>Treasury personal accounts</b> - analytical accounting registers opened in the information system of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, designed to reflect

		the operations relating to the execution of the budgets of the budget system.
<i>Ғазначилик бўлинмалари</i>	-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ғазначилик бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўйича ғазначилик бўлинмалари.	<b>treasury departments</b> - the Treasury of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, the control of the Treasury of the Republic of Karakalpakstan, regions and Tashkent city, the Treasury department on areas and cities.
<i>Худудий молия органлари</i>	-Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари.	<b>territorial financial authorities</b> - the Ministry of Finance of the Republic of Karakalpakstan, the financial management of regional administrations and Tashkent city, the financial departments of regional and city.
<i>Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (Давлат бюджети)</i>	-Давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.	<b>State Budget of the Republic of Uzbekistan (State budget)</b> - a centralized monetary state fund intended for financial security objectives and functions of the state.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Махсус адабиётлар:

1. (FINANCING PUBLIC UNIVERSITIES the Case of Performance Funding by Zurich, Switzerland MARCEL HERBST page 1).
2. E. Eksteen., Sport Management. Manual for Sport Management
3. Lisa P. Masteralexis, Carol A. Barr, Mary A. Hums, Principles and Practice of Sport Management
4. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати.–Т.: Молия, 2007.
5. Остонакулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби.–Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.
6. Вахобов А., Сирожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими.–Т.: ТФИ, 2002.
7. Срожиддинова З.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими дарслик Т.: 2010.

### Интернет ресурслари:

8. <http://www.soliq.uz>
9. <http://www.mf.uz>
10. <http://www.budgetrf.ru>
11. <http://www.imf.org>
12. <http://www.worldbank.org>
13. <http://www.budgetrf.ru>